

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 6-сон



**Бош мұхаррір:** Наманган давлат университетінің ректоры С.Т.Тургунов

**Масъул мұхаррір:** Илмий ишилар ва инновациялар бүйічі проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул мұхаррір үринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бүлими бошлиғи Р.Жалалов

## **ТАХРИРХАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аззамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тұхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад. С.Раширова, акад. А.Тұраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хұжалиги фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** - акад. А.Аскаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** - и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** - акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** - акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширов, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц. М.Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** - б.ф.д. Ф.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** - п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник мұхаррірлар:** *Н.Юсупов, Г.Акмалжонова*

**Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уичи құчаси, 316-үй.**

**Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 Факс: (0369)227-07-61 e-mail: [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)**

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясы Раёсаты қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бүйічі Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чөп этиши тавсия этилген илмий нашрлар рўйхатига киритилген.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чөп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йигилишида мұхокама қилиниб, илмий түплам сифатида чөп этишига рұксат этилген (Баённома № 6). Мақолаларнинг илмий савияси ва көлтирилген маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



**UDK 8.81.373**

**Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВАНИНГ СЎЗЛАРНИ КЎЧМА МАҲНОДА ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ**

Дилдора Юнус қизи Юсупова,  
Бухоро давлат университети ўзбек  
тилишунослиги кафедраси докторанти

**Аннотация:** Тил – ўзига хос мураккаб система ва айни пайтда бунёдкор мавжудликдир. Тилнинг юзага чиқиши, воқеланиши, асосан, нутқ орқали амалга ошишини биламиз. Нутқ ҳам ўзига хос чексиз бунёдкорликларга эга қурилма бўлиб, тил имкониятларини нутқий шароитга мос тарзда намоён этади. Ўзаро ассоциатив хусусиятга эгалик тил ва нутқда айнан бир хил эмас. Лисоний бирликлар, масалан, лексемалар ҳамиша бир-бирига ишора қилиб, бир-бiriни эслатиб турувчи парадигматик (ўхшишилик) ҳамда синтагматик (қўшиничилик) муносабатларига эга. Полисемантик сўз ҳар бир маъноси билан алоҳида қуршов ҳосил қиласди. Улар лексемалашиб тилда алоҳида парадигмаларга жойлашади.

Мақолада истеъододли ўзбек шоираси Ҳалима Худойбердиева шеърларида баъзи сўзларни нг кўчма маънода қўлланилишидаги ўзига хослик лингвопоэтик таҳлилга тортилган.

**Калит сўзлар:** поэтик нутқ, полисемия, метафора, метонимия, синекдоха, индивидуал нутқ

**УМЕНИЕ Ҳ.ХУДОЙБЕРДИЕВОЙ ИСПОЛЬЗОВАТЬ СЛОВА В ПЕРЕНОСНОМ СМЫСЛЕ**

Дилдора Юнус қизи Юсупова,  
Бухарский государственный университет,  
докторант кафедры узбекского языкоznания

**Аннотация:** Язык – уникальная сложная система и одновременно творческое существо. Мы знаем, что возникновение и реализация языка происходит главным образом через речь. Речь – это также устройство с бесконечным творчеством, которое демонстрирует силу языка таким образом, чтобы соответствовать контексту слова. Взаимно-ассоциативный характер – это не совсем то же самое в языке и речи. Лингвистические единицы, такие как лексемы, всегда имеют парадигматические (сходство) и синтагматические (соседство) отношения, которые указывают друг на друга и напоминают друг друга. Многозначное слово образует отдельный круг с каждым значением. Они лексемы и помещены в отдельные парадигмы языка.

В статье анализируются особенности использования некоторых слов в переносном смысле в стихотворениях талантливой узбекской поэтессы Ҳалимы Худойбердиевой.

**Ключевые слова:** поэтическая речь, многозначность, метафора, метонимия, синекдоха, индивидуальная речь

**KH.KHUDOYBERDIYEVA'S ABILITY TO USE WORDS  
IN A FIGURATIVE SENSE**

Dildora Yunus kizi Yusupova,  
Bukhara State University, doctoral student  
of the Department of Uzbek Linguistics

**Annotation:** Language is a uniquely complex system and at the same time a creative being. We know that the emergence and realization of language takes place mainly through speech. Speech is also a device with its own limitless creativity, demonstrating the possibilities of language in a way that is appropriate to the speech context. Possession of a reciprocal associative feature is not exactly the same in language and speech. Linguistic units, such as lexemes, always have paradigmatic (similarity) and syntagmatic (neighborhood) relationships that point to each other and remind each other. The polysemantic word creates a separate circle with each meaning. They are lexemed and placed in separate paradigms in the language.

The article analyzes the peculiarities of the use of some words in the figurative sense in the poems of the talented Uzbek poet Khalima Khudoiberdieva.

**Keywords:** poetic speech, polysemy, metaphor, metonymy, synecdoche, individual speech

Тил ўзига хос мураккаб тизим эканлигини, унинг бирликлари тартибли тарзда фаолият юритишни биламиз. Муайян тил эгалари онгида ўша тилга тегишли лексемалар ўзаро парадигматик (ўхшашлик) ҳамда синтагматик (қўшничилик) муносабатларда мавжуд бўлади. Масалан, она лексемаси бир томондан фарзанд, ўғил, қиз лексемалари билан, иккинчи томондан ота лексемаси билан парадигма ҳосил қилиб яшайди. Парадигмадаги бир аъзонинг моҳияти унга парадигмадош бошқа аъзонинг моҳиятига қиёсан олинади, унга муносабатда бўлади. Масалан, она лексемаси фарзанд, ўғил, қиз, ота лексемалари билан парадигма ҳосил қиласр экан, бунда уларнинг умумий белгиси бу лексемаларни бир парадигмага солса, фарқли белгилари мустақилликларини таъминлайди. Лисоний бирликлар орасидаги бундай бир-бирига ишора қилиб, эслатиб турувчи белгилар, муносабатлар ассоциатив муносабат бўлиб, она лексемасининг моҳияти ота лексемасининг моҳиятига қиёсан белгиланади. Қиёс эса эслатиш, элаш, ёнма-ён қўйиш муносабати асосида юзага чиқади.

Лексемалар синтагматик муносабатга кириша олиши билан ҳам аҳамиятли. Масалан, она лексемаси нутқда яхши, меҳрибон, ёлғиз, баҳтли, жонкуяр каби ўнлаб, юзлаб лексемалар билан бир томондан, морфологик шакл ва сўз ясовчи қўшимча билан иккинчи томондан бирикув ҳосил қиласди. Бу лексема динамикасига хос имкониятдир.

Сўзловчи нутқ жараёнида зарур бўлган бирликни ўхшаш ва фарқли белгилари асосида парадигмадан танлаб, синтагматик имконияти доирасида нутқда турли-туман комбинация ҳосил қиласди [3]. Нутқда лексеманинг моҳияти ҳам, синтагматик имкониятни ҳам бир нутқ моментида юзага чиқариб бўлмайди. Зоро, диалектика таъкидлаганидек, моҳият бир ҳодисада тўиқ юзага чиқмайди, имконият тўла воқеланмайди. Нутқий воқеланиш унинг бир зарраси, холос.

Лексема – маълум бир тил жамияти аъзолари онгида тайёр, барқарор, умумий ва мажбурий, шакл ва маъно бирлигидан иборат, яхлитланган, борлиқдаги ҳаракат, нарса-предмет, белги, миқдор кабиларни билдирувчи тушунчалар ва муносабатларни ифодалайдиган, нутқда сўзларни ва грамматик морфемаларни бириктирадиган лисоний бирлик ҳисобланади [3]. Лексеманинг нутқдаги шакли эса сўз ҳисобланади.

Лексикологияда моносемантик ва полисемантик сўзлар фарқланади. Назарий лексикология нуқтаи назаридан ёндашсақ, нутқда қўлланган сўз ҳар доим моносемантик бўлади. Чунки сўз лексеманинг бир марталик кўриниши бўлиб, у лексемага зид равишда бетакрорлик табиатига эга.

Жамият тараққий этиши билан нутқий сўзлар ўзи ифодалаган лексик маъно билан доимий алоқадор ҳосила нутқий маъноларни юзага чиқараверади. Натижада моносемантик сўз полисемантик сўзларга айланиб боради.

Полисемантик сўз ҳар бир маъноси билан алоҳида қуршов ҳосил қиласи. Улар лексемалашиб тилда алоҳида парадигмаларга жойлашади. Буни ўзбек шоираси Ҳалима Худойбердиева шеърларидан олинган мисолларда кузатамиз.

Шоира Ҳалима Худойбердиева сўзнинг лугавий маъноларини турфа жилваларда акс эттира олган, мағзи тўқ шеърлари билан ўзбек китобхонининг қалбидан жой ола билган, ўзига хос, бетакрор ижодкор. У ҳозирги ўзбек тилининг лексик-семантик хусусиятларига таянган ҳолда янгича ташбеҳлар яратишга эришган. Шоира ижтимоий-сиёсий мавзуларда бўладими, лирик ёки интим мавзуларда қалам тебратадими, гўзал ўхшатишлардан кўпроқ фойдаланади. Шоира туйгулар тасвирини янги-янги шаклларда берар экан, шакл ва мазмун мутаносиблигига эришади; ҳақиқатни айтиш,adolat тантанасини улуғлаш учун тинмай изланади; шунинг баробарида барчамизга таниш сўзлар зиммасига янги ва чукур маънолар юклайдики, бу унинг ҳақиқий истеъдод эгаси эканлигини далиллайверади.

Мисолларга мурожаат қиласиз. Шоира «Аёл ўтиб борар...» шеърида шундай ёзади:

*Сен сўрама. Мен ҳам айтмайин,  
Курагимни(нг) синганини қарс.  
Шовқин солма, мен уйготмайин,  
Юрагимда ётар бир йўлбарс... [5]*

Ҳ.Худойбердиева «Юрагимда ётар бир йўлбарс» мисраси орқали гўзал ташбеҳ яратади.

Мутахассислар томонидан «дунё аёлларига бағишли» деб эътироф этилган шоиранинг «Аёл» шеърида ҳам «Сен дарёсан....», «Унамадинг, аёл ўзи терс «халқ», дедилар», «Ичолмагач юз ўгирив шўр, талх, дедилар» каби ўнлаб мисраларида ҳам гўзал ташбеҳлар бор.

Ижодкорнинг шеърий түғёнларида сўзлар табиатидаги шартлилик, «коса тагидаги нимкоса» тарзида ифодаланадиган кўчма маънодорлик устуворлик қиласи. Юқоридаги мисралар маъно ифодасига кўра ижтимоий-фалсафиј, бадиий-эстетик аҳамият касб этади. Яна бир мисол:

*Ўз кучи, ўз бардошини билмаган дарахтман мен,  
Қоқилгандай битта жойдан жилмаган дарахтман мен.  
Сершоҳ, сербарг новдалари чақ-чақлатиб қушларни  
Умр бўйи ўзи бир бор кулмаган дарахтман мен...[5]*

Иброҳим Гафуров таъбири билан айтганда: «шеър бу шоиранинг ўзи». Шоира руҳий изтиробларини, дил қийноқларини «ўз бардошини билмаган дарахт», «битта жойдан жилмаган дарахт», «ўзи бир бор кулмаган дарахт»га ўхшатади ва бетакрор истиоралар яратадики, бу фикранинг ифодалилигини ва таъсирчанлигини таъминлайди. Мазкур парчадаги ўхшатишларда мантиқ кучли, уларни ўқир экансиз, шоиранинг дил түғёнларига беихтиёр шерик бўласиз.

*Бирор пичоқ билан кесди, сўрди ширадаримни,*



Бошқа бирор каллаклади, күрди ичим, қаъримни.  
Баргим пилла құрти еди, бирор кийди заримни  
Мен-чи, бирорлардан бир барг юлмаган дарахтман мен...[5]

Шоира ўхшатишлари ўқувчида раҳм ҳиссини уйғотмайды, аксинча, бир пүртнананинг ичидан омон чиқишига интилгудек ҳолатта солади кишини. Бир сүз билан айтганда, ўқувчини АЁЛ, ҲАЗРАТИ ИНСОН қалби пүртнаналарига чорлайды. Бу ҳолатни Ҳалима Худойбердиева каби дадил тасвирлаш, назаримизда, барча шоирларга ҳам насиб этавермайды.

Ҳалима Худойбердиева ижодида ўзбек шеъриятидаги аньанавий ўхшатишлар ҳам күп кузатилади. Чунончи,

...Росту ёлғон эртакларнинг борар ери Сен,  
Асов отдаи эркакларнинг борар ери Сен...

Яна бир мисол: Онагинам! Дориламон күнлар келди, шафаклари ол...

ёки

Ўглонларнинг мева қадар бир шириналкидир...

Манбаларда кўчимлар борасида фикр борар экан, одатда, уларни от туркумiga оид мисоллар билан изоҳлаш кенг учрайди. Бироқ феълларнинг ҳам маъно тараққиёти кенг учраши шоир шеъриятида ўз ифодасини топган. Масалан,  
*Мозийи ҳар отар тонгни эмизган,*  
*Ҳар тигли ақлни, онгни эмизган.*  
*Бўри, тулкимас, арслонни эмизган –*  
*Туркликнинг кўкраги, булоги Турон.*

Ҳалима Худойбердиеванинг «Турон» шеърида «ўқ отмоқ», «чўғ отмоқ» каби бирикмалар ўзига хос тарзда усталик билан баён этилади. Айтмоқчимизки, одатий ҳолларда улар салбий маъно ифодаси учун қўлланилади. Аммо шоира мазкур шеърида улардан ижобий стилистик оттенкани юзага чиқариш учун қўллаган:

Ўнгимда руҳимга ўқ отган фикр,  
Кўнглимга бир ёргуғ чўғ отган фикр.  
Үйқумда қонимни уйғотган фикр:  
«Туркликнинг муқаддас ўчоги Турон». [5]

Шоира шеъриятида инсон ва табиатнинг бошқа яралмишлари хусусият-ҳолатларини ёнма-ён қўйиш, таққослаш, қиёслаш орқали уларга мурожаат қилиш ҳам кўп учрайди. Натижада, бундай шеърлардаги образлар фалсафий умумлашма хусусиятига эга бўла боради, маъно кучайиб, метафоралашади. Шоира фақат шуҳратманд тарихда кечган аждодларимизнинг ибратли ҳаётларини васф этибина қолмай, бутунги авлодни ғолиб боболар изидан бориб, Ватанга садоқатли фарзанд бўлишга чақиради. Бу чақириқ донишманд файласуфнинг ўгити, қаҳрамон бобонинг насиҳати, ярадор сарбознинг битиги бўлмай, балки шу тупроқнинг ҳар заррасида, энг аввало, илоҳий бир меҳр ва муқаддасликни теран мушоҳада қилган, жону тани шу замин

билин қоришиб кетган, ҳар барги, ҳар гиёхи, ҳар бир боласининг жон толаларига жигарининг қон томирлари туташ Она-шоиранинг нидолари, фарёдлариидир [5]. Бу ҳол шоиранинг «Она-Ватан», «Навоий-нон», «Бу умр ўтар қўчадир» шеърларида яққол кузатилади:

Мен Туроннинг қадим қўнгирогимен,  
Жаранг берсам қир-даласи уйгонар...  
Болам, кимсан, ким бобонгнинг қотили,  
Билармисан туркнинг тўқсон зотини?  
Томиримдан чиққудайин отилиб  
Найман онанинг ноласи уйгонар...

Сир эмаски, замонавий шеъриятнинг лирик қаҳрамони ҳаёт тўғрисида, инсон ҳақида кўпроқ ўйладиган бўлиб қолди, ўйлаганда ҳам юзаки эмас, анча чуқур ўйладиган, доно фикрлар айтадиган бўлиб қолди [1]. Мана шу ҳолат Ҳалима Худойбердиева шеърларини бир-бирига боғлаб турган «ришталар»дир, десак тўғрироқ бўлади. Бу борада метафорик усуладаги қўчимлар шоира томонидан ўринли танланади.

Биз ҳазрат мир Алишер Навоийни «мутафаккирлар мутафаккири», «авлиёлар авлиёси», «ғазал мулкининг сultonи», «ашъор кишварининг шоҳи» каби ташбеҳлар билан улуғланишларига қўникиб қолганмиз. Бу борада шоира янги ўхшатишларни қўллайди ва «Бу буюк шоир бизники» деб айюҳаннос солувчиларга, тортишувчиларга ёки бехуда баҳс қилувчиларга аниқ жавоб айтади:

Навоий – нон. Тўсма. Унга борар йўлдан қоч,  
Гашлик қилма, тўрт ённи ҳам ёритаркан тож.  
Навоийга ўзин урса, урма коғирни,  
Ахир нонга мусулмону коғир бирдай оч.

Шоиранинг метафора қўллаш маҳоратида янги-янги ўхшатмалар борлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилаверамиз. Жумладан,

Янги чиққан тилим-тилим ойлар қўлларим,  
Бегим, ўтар йўлингизни бойлар қўлларим.  
Мактубингиз баргдай титроқ кўксимга босиб,  
Согинчингиз юрагимга жойлар қўлларим.

«Янги чиққан тилим-тилим ойлар қўлларим», «Согинчингиз юрагимга жойлар қўлларим» метафораларида қўлларнинг тилим-тилим ойга ўхшатилишини янги топилма сифатида баҳолай оламиз. Ёки «ёрга бўлган согинчни юрагига жойламоқ», «юрагида сақламоқ» ўзбек шеърияти учун таниш ташбеҳлар. Аммо «ёр соғинчини юрагига қўллари билан жойламоқ» метафорасида юракни энтиқтирадиган ўзгачалик мужассам.

Шоира шеъриятида метонимия ва синекдоха маъно кўчиш усуllibаридан ҳам кенг фойдаланади. Синекдока ҳосил қилувчи ва ҳосила маънолари денататининг бири бутун, иккинчиси, албатта унинг бўлаги бўлишини яхши биламиз. Метонимияда эса ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно денотатлари алоҳида-алоҳида нарса ҳамда воқеликдан иборат, улар бутун-бўлак муносабатига эга эмас. Синекдохаларда сўзнинг лексик маъноларидан бирида ифодаланган бўлак, иккинчисида ифодаланган бутуннинг муҳим белгиси бўлади [2;3]. Метонимияда ўзаро алоқадорлик белгиси ўринга, замонга ёки бири иккинчисининг

материалы бўлишига кўра юзага чиқади, шу асосда ҳосил қилувчи маъно маънони юзага келтирган бўлади [2,25].

Метонимия усулида ҳосил бўлган қўчимларга Ҳалима Худойбердиеванинг қуйидаги шеърий мисраларини мисол қилиб келтириш мумкин:

*Хурлик йўли – кураш йўли. Тик роҳларига  
Чиқар экан гард тегмасин элнинг барига,  
Кураш кўйин қўйиб элнинг қулоқларига,  
Тун бўйи оёқ учida юриб чиқар Сўз.  
Оққан бўлсам ҳамки унинг поида тинмай,  
Элга нафим кам менинг деб нечун ўксинмай,  
Мен биргина сўз ўстирдим,  
Мангу кўз юммай  
Туркий элни балолардан қўриб чиқар Сўз! [5]*

Кўринадики, мазкур шеър мисраларида метафора («Мен биргина сўз ўстирдим») ҳамда метонимия («Тун бўйи оёқ учida юриб чиқар Сўз», «Туркий элни балолардан қўриб чиқар Сўз») баробар қўлланилиб шеърнинг оҳангдорлигини, таъсир кучини оширган.

Шоира бу ёруғ оламда энг тўғри йўл ҳам, энг шонли йўл ҳам Хурлик йўли эканлигига ишонади. Юрт, халқ озодлигига ҳар биримиз масъул эканлитимизни ўқтириб, уни сақлаш учун «...бор-йўғингдан кечасан», деб даъват қиласи. Зеро, шоиранинг ўзи шу шонли йўлда!

*Бари ёлгон,  
Шу йўлгина чин.  
Бу йўлда юрмайсан, учасан.  
Фақат унда кетмоқлик учун  
Ўзинг бор-йўғингдан кечасан.  
Отланаркан тонг ёки кечда,  
Ичга тўлдир озодлик кўйин.  
Бор лаиш-лушинг бирма-бир еч-да,  
Боидан-оёқ ҲУРЛИКни кийин!*

«Бор лаиш-лушинг бирма-бир еч-да, Боидан-оёқ ҲУРЛИКни кийин!» мисрасида ҳурлик либостга менгзалади (метафора) ва «Ичга ...озодлик кўйин» тўлдиргандарни (метафора) уни кийлишга (метафора) чақиради. Умумий ҳолатда ҳурлик билан кийинмоқ ўртасида ўхшашлик йўқ, аммо алоқадорлик бор: Ҳурлик «бор-йўғидан кечиб» «Фақат унда кетмоқлик учун» отланганларга либос бўлмоқда. Либос эса кийилади.

Шунингдек, шоиранинг «Кул қиласидир бизларни у ўт», «Ҳали мени қийнамоқдан тўймас остана», «Кўн хуширўй кўринар қалбингдаги боғ», «Жонли виждонларни тортажак дорга» каби мисраларини ҳам мисол тариқасида келтиршимиз мумкин.

Келтирган мисолларимиздаги *сўз, ҳурлик, ўт, остана, боғ, виждон* сингари сўзлар метонимик ҳосила маънони яратиш учун хизмат қиласи. Бу мисолларда сўзнинг лексик маъноси ҳосила маънони нарсалар ўртасида алоқадорлик ва яқинликка кўра юзага келтирган.

Синекдоха усулида маъно кўчган мисралар сирасига «Кўнгил, қўлин bogлаб одам аҳлини, Банду банд қиласди тагин муҳаббат», «Бу ҳаёт галати, жигарим», «Қўрқма, гоҳ қийналиб қолса жон», «Айтаверсам жонга тушар ўт» кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ушбу мисраларда кўнгил, жон сўзлари синекдоха усулида кўчган полисемантик сўзлардир. Мисолда кўнгил, жигар, жон сўзлари билан «одам» назарда тутилган. Қолаверса, «қўлин bogлаб» бирикмаси индивидуал нутққа хос бўлиб, у матн талабига кўра янгича маъно ифодалай олган. (Халқ жонли сўзлашувида, одатда, қўлини bogламоқ ибораси бирор юмушидан қўймоқ маъносида қўлланилса, шоир бу ўринда севмоқ маъносини мужассамлаштиради.)

Яна бир мисол.

*Қайдаки етимни етиб тишлайди  
Дунё қантармаса каж итларини,  
Рұхим юрагимга қаттиқ муштлайди,  
Рұхим киябошлар совутларини.*

Рұх – инсоннинг ўзи. Рұх –бутунликнинг қисми. «Рұхим киябошлар совутларини» мисрасида, шунингдек, шеърнинг давомидағи «Рұхим кўтаради байроқларини!», «Рұхим қон ичидан кўтаради қад!» мисраларида қисмнинг номи билан бутун ифодаланаётгани яққол сезилиб туради.[12]

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ҳалима Худойбердиева шеъриятида ўзига хос маъно ташувчи, бошқа шоири шоиралар ижодида кузатилмайдиган бир қатор индивидуал нутқ кўринишлари учрайди:

То бу байроқ, Ватан, нурлар

Ич-ичингга кетсин кириб.

Токи ганим ватанхўрлар

Ололмасинлар сугириб... («Ватан байроғи» шеъридан)

Болакайим, сен қўрқма, сен ховучламагин жон –

Сен қозоз кантарингни ясайвергин шодланиб...

(«Улуғбекни кузатиб» шеъридан)

Наврўзона шавқ-ла куйлай гунчани уйготтириб....

Ғам на қилсун ул мунаввар шамъи шабистон олдида.

(«Наврўз» шеъридан)

Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага тутмай май,

Ўз қоним билан ўзим алвонланиб бораман. («Бегим» шеъридан)

Бу каби сўзлар поэтик тасвири беришда, ифодаланаётган фикрнинг эмоционал экспрессивлигини таъминлашда муҳим услубий восита бўлиб хизмат қилган.

Шоиранинг поэтик услубида қийидаги сўзлардан кенг фойдаланганлигини кузатишимиш мумкин: эрк, ватан, муҳаббат, она, қуёш, кўнгил, гул, юрак, кураш, аёл, ёнмоқ ва ҳ.қ. Мазкур сўзлар ҳар бир ўринда ўзига хос семантик-функционал вазифа бажарган, бетакрор кўчимлар яралishiда хизмат қилган.

Хулоса шуки, ҳар қандай лексема, хоҳ у бир семемали, хоҳ қўп семемали бўлсин, нутқда қўп маъноли бўлади. Сўз эса муайян нутқ жараёни учун ҳамиша бир маъноли.



**Адабиётлар:**

1. Каримов О. Бадиий образнинг қўп маънолилик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –1990, № 3. 21-26-б.
- 2.Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Мумтоз сўз, 2010.
3. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.–Т.: Ўзбекистон, 1993.
4. Сувонова Р. Ўзбек тилида метонимия. НДА. –Самарқанд, 2001. 22 б.
- 5.Худойбердиева Ҳ. Сайланма.–Тошкент: Шарқ, 2000.–398 б.
6. Diloram Nematovna Yuldasheva. Problems of national language education at school. Volume 4 Issue 3 BSU 2020 (3) Published by 2030 Uzbekistan Research Online, 2020  
<https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss3/15/>
- 7.Дилором Юлдашева. Нутқий мулоқотда сукутнинг ўрни. Образование и инновационные исследования. Том 1 № 1 (2020). <http://interscience.uz/index.php/home>
- 8.Дилором Юлдашева (Diloram YULDASHEVA). Профессиональные фразеология (Professional Phraseology). International conference on academic studies in philology (BICOASP) 26-28 September 2019 Bandırma <https://d1wqxts1xzle7.cloudfront.net/60539392/>
- 9.Юлдашева Д. Н. Сукут нутқий мулоқотнинг таркибий қисми сифатида //Сўз санъати ҳалқаро журнали. – 2020. – Т. 3. – №. 3. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
- 10.Tueva Zulfiya Nozimovna, Yuldasheva Diloram Nigmatovna. Statement and about its types. International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 93 published January 30, 2021. – Pag.72-77. <https://elibrary.ru/item.asp?id=44644256>
- 11.Yuldasheva diloram nigmatovna. Silence-is a nonverbal unit of speech communication. American Journal of Research, 2020, 11-12 issue of the Journal.–Pag.87-95.  
[https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/12/2020\\_11\\_12-AJR\\_11.pdf](https://journalofresearch.us/wp-content/uploads/2020/12/2020_11_12-AJR_11.pdf)
- 12.Yusupova D. Poetess Khalim Khudoyberdieva and his skill in use of the word. International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA issue 01, volume 93 published January 30, 2021.–Pag.238-241. <http://oaji.net/articles/2021/679-1612639322.pdf>
- 13.Dildora Yunus kizi Yusupova. About Polisemantic Words (on the example of the poems of the Uzbek poetess Khalima Khudoyberdiyeva). Middle European Scientific Bulletin. Volume 10, March 2021. ISSN ISSN 2694-9970. Pag.384-389.  
<https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/367>



**МУНДАРИЖА**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ**

**01.00.00**

**ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ**

**PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES**

1	<b>Kvadratik va kubik stoxastik jarayonlar</b> Boboqulova S.B .....	3
2	<b>Учинчи тартибли сингуляр коэффициентли гиперболик типдаги тенглама учун қўйилган чегаравий масалани ечиш.</b> Мелиқўзиева Д.М .....	6
3	<b>Экспериментальное исследования поляризуемости и дипольного момента трансформаторной масли трам-3</b> Кучкаров Х.О, Абдуназоров А.А, Нематжонов Ш.Р .....	13
4	<b>Steam ta'limining afzalliklari</b> Nurmatova M, M .....	19
5	<b>Кучли электромагнит майдондаги <math>p</math>-н ўтиш дифференциал қаршилиги ва диффузион сигимида деформация ва ёруғликнинг таъсири</b> Гулямов Г, Дадамирзаев М. Г , Косимова М.О .....	23
6	<b>Суперконденсаторлар учун полимер гидрогелларни физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш</b> Шодманов Ж.А, Боймирзаев А .....	30
7	<b>О равномерной сходимости случайных полей в <math>c(s)</math></b> Акбаров М, Мирзакаримова Н.М .....	34
8	<b>Физикадан ночизиқли таълим траекторияларини қуришнинг методик модели</b> Имомов О.Э .....	37
9	<b>Металларнинг сирти ва сиртига яқин соҳалари хоссаларини ионли бомбардировка таъсирида ўзгариши</b> Элмуродов Р, У, Ниязов Ш,К, Саматов F,Б, Абдулаев А, Маърипов И. И,Файзуллаев А .....	42
10	<b>Ikki o'lchamli materiallarda fermi energiya ossilyatsiyalariga kvantlovchi magnit maydonning ta'siri</b> Mirzayev J.I .....	51



**КИМЁ ФАНЛАРИ**

**02.00.00**

**ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ  
CHEMICAL SCIENCES**

11	Саримсоқпиёздан озиқ-овқат қўшилмалари тайёрлаш ва уларни кимёвий таркибиغا кўра синфлаш	
	Асқаров И. Р, Исақов Х, Маматқурова Ў.О .....	56
12	Хитозан иштирокида фаол бўёвчи моддалар билан ипак матоларни бўяш жараёнини жадаллаштириш	
	Ҳазратова Д. А, Ихтиярова Г.А, Алиева М. Т .....	62
13	Влияние криогенного консервирования на кристаллообразование в сырье растительного происхождения	
	Джураева Л. Р, Мухамадиев Б.Т .....	68
14	Кротонилиденимин-о-бензой кислотанинг электрон структурасини квант-кимёвий ҳисоблашлар ёрдамида тадқиқ қилиш	
	Назаров Н.И, Бекназаров Х.С, Мирзаева Г. А .....	72
15	Нокондицион фосфоритларни органоминерал ўғитларга қайта ишлаш	
	Темиров Ў.Ш, Усанбаев Н.Х, Намозов Ш.С, Маматалиев А.А, Пиримов Т.Ж .....	75
16	Поливинилхлоридни моноэтаноламин билан модификациялаш орқали янги сорбентларнинг синтези	
	Бозоров Л.У, Тўраев Х.Х, Умбаров И.А, Касимов Ш.А, Эшкараев С.Ч.....	80
17	Ўзаро аралашмайдиган иккиласми полимерлар асосида композицион материаллар ишлаб чиқариш тенденцияларига замонавий ёндошиш	
	Бекназаров Э.М, Лутфуллаев С.Ш, Жўраев З.Ю .....	85

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

**03.00.00**

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
BIOLOGICAL SCIENCES**

18	Баъзи ноёб доривор ўсимликларни <i>in vitro</i> шароитида кўпайтиришнинг назарий асослари	
	Дехқонов Д.Б, Мустафина Ф. У .....	89
19	Zarafshon vohasida istiqomat qiluvchi kichik maktab yoshidagi bolalarning jismoniy rivojlanishini baholash	
	Rasulov S. Q, То'ramqulov Sh.N .....	93
20	Тошкент ботаника боғи шароитида <i>acer campestre</i> L. баргларининг морфометрик белгиларини қиёсий ўрганиш	
	Хакимов Ш. В, Лаптева Р. А, Махкамов Т.Х .....	99
21	Магнолия грандифлора ( <i>m.grandiflora</i> L.) уруғқўчатларини ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсири.	
	Бахрамов Р.М .....	105



22	<b>Мас технологияси асосида яратилган всзғ авлод дурагайларида тола сифат кўрсаткичларининг тахлили</b> Бойқобилов У.А., Дарманов М.М, Хусенов Н.Н, Макамов А.Х, Норбеков Ж.К., Рахимова Г. О, Бўриев З.Т .....	111
23	<b>The effect of the microbial composition "zamin -m" on some biometric parameters of the plant <i>Cynara Scolymus l.</i> in salt condition of soils</b> Sabirova M.B, Murodova S.S .....	117
24	<b>Марказий Ўзбекистон тўғриқанотлиларининг ривожланиш фенологияси</b> Мирзаева Г.С, Тураева З. Р , Тожиматов Д. АМаматова М.М, Икромов Т.С .....	120
25	<b>Оқова сувларни кичик кичик ряска (<i>Lemna minor l.</i>) ўсимлиги ёрдамида тозалаш ва балиқчиликда қўллаш биотехнологияси (Бухоро вилояти мисолида)</b> Бўриев С.Б, Юлдошов Л.Т .....	124
26	<b>Биохилма-хиллик табиат асосидир</b> Кирйигитов Х. Б,Рахмонқулов У .....	130

**05.00.00**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ  
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ  
TECHNICAL SCIENCES**

27	<b>Исследования общих математических характеристик приложения логических операций и табличной замены в криптографических преобразованиях</b> Акбаров Д.Е, Умаров Ш. А .....	136
----	--	-----

**09.00.00**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ  
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ  
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

28	<b>Янги Ўзбекистонда ёшлар иқтисодий тафаккурини ўстиришнинг усул ва воситалари</b> Асракулова А.Н .....	141
29	<b>Кубравия ва нақшбандия таълимоти: таҳдил ва тавсиф</b> Норова М. Ф .....	146
30	<b>Qonun ustuvorligi - fuqarolik jamiyatining muhim omili va asosiy shartlari.</b> Toshpo'latova N.S .....	152
31	<b>The positivistic essence of Nikolay Mikhailovsky</b> Zatsepin A.V.....	156
32	<b>Муҳаммад Фаззолий таълимотида сабр ва шукр тушунчаларининг фалсафий-ахлоқий талқини</b> Рустамов Б Б .....	159
33	<b>Марказий осиё алломаларининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси.</b> . Вохидова М. Т .....	165



34	<b>Жамият тараққиётининг янги босқичида гендер тенгликни таъминлашнинг ижтимоий аҳамияти</b> Ахророва С.А .....	169
35	<b>Мамлакатимизда иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларни илмий-инновацион таъминлаш муаммолари</b> Мадумаров Т.Т, Фуломжонов О.Р .....	176
36	<b>Ўзбекистонда гендер тенглиги масалалари ва халқаро мажбуриятлар</b> Аннаева Н.Р .....	183
37	<b>Ёшларга оид давлат сиёсатининг янгича ифода топиши</b> Шоимов А.Р, Бўриева М.О .....	188
38	<b>Талабаларда толерантлик фазилатини шаклантиришнинг ҳуқуқий асослари</b> Расурова М.А, Цагараева О.Б .....	196
39	<b>Янгиланаётган Ўзбекистонда гендер муаммоларини бартараф этишда ахлоқий қадриятларнинг ўрни</b> Мадумарова З .....	202
40	<b>Ахлоқий маданият ва қадриятлар тизиминининг тарихий-фалсафий таҳлили</b> Мамадиева Н.Х .....	207
41	<b>Миллий юксалиш жараёнида шахс маънавий камолотини юксалтириш муаммолари ва ечими</b> Исламова Д.Х .....	214
42	<b>Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг фуқаролик жамияти тўғрисидаги қарашлари эволюцияси</b> Абдуллаев А.Н .....	219
43	<b>Ижтимоий тараққиёт концепсиясини тадқиқ этишнинг замонавий методологик асослари</b> Ходжаев О.Ш .....	222
44	<b>Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тарбия фанини ўқитишига методик тайёргарлигини такомиллаштириш</b> Халилов Ф. Ф .....	226
45	<b>Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларнинг мотивацион қобилияtlарини ривожлантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари</b> Мамажонова З.М .....	232
46	<b>Малака ошириш жараёнида ўқитувчиларнинг қасбий компетентлитини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари</b> Бобоёров Ш. С .....	240
47	<b>Шахс маънавий маданиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий-фалсафий аспектлари</b> Солибоев У.....	245



**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**  
**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PHILOLOGICAL SCIENCES**

10.00.00		
48	<b>Ошибки в письменной работе студентов</b> Хамдам-зода Л .....	251
49	<b>Sinxron tarjima san'atini egallash strategiyalari</b> Abdullayeva G. G .....	257
50	<b>Индивидуальные вариации в овладении вторым языком</b> Бобокулова Г.Ш .....	263
51	<b>Эртак ва унинг тарихига бир назар</b> Имманинова Ш.С.....	267
52	<b>Comparative research of english and Uzbek toponyms</b> Ismatova N.M .....	270
53	<b>Ingliz va o'zbek lingvomadaniyatida "Happiness" va "Baxt" kontseptining ifodalanishi</b> Jumayeva O.I .....	275
54	<b>Теория множественного интеллекта и изучение языка</b> Каххорова Ш.Ш .....	279
55	<b>Tetralogiyaning tadrijiy taraqqiyoti</b> Qo'yiliyeva G.N .....	283
56	<b>Инновационные методы обучения английскому языку для специальных целей</b> Мирходжаева М.И .....	287
57	<b>Oliy o'quv yurtlarida rusiyabon talabalarga o'zbek tilini o'qitish muammolari</b> Normatova Sh.U .....	291
58	<b>Abdulla Oripovning "Haj daftari"she'riy turkumi haqida</b> Fayzullayeva O.X .....	295
59	<b>Feminist yozuvchilar asarlarida badiiy tasvir vositalarini qo'llanilishi xususida</b> Abdullayeva N .....	299
60	<b>Yetuk o'zbek adibi Isajon Sultonning "Boqiy darbadar" asari misolida tarixiy inversiya</b> Naimova A.M .....	303
61	<b>Тилишуносликда матн талқини</b> Қозоқова Н.А .....	308
62	<b>Обучение Английскому языку с помощью литературы</b> Курбонова Ш.Х .....	312
63	<b>Frazeologiyani o'rganish va inson ruhiy holatini ifodalovchi frazeologik birliklarning chog'ishtirma tahlili</b> Saidova Z.X .....	316
64	<b>Ўзбек тилида тарз ифода воситаларининг морфологик, синтактик, лексик ва услубий ифодаланиши</b> Абдуллаев А .....	320



65	<b>Ona tili darslarida o`quv lug`atlaridan foydalanish samaradorligi</b>	
	Tursunova O.F .....	325
66	<b>Aforizmlar lingistik tadqiqot obyekti sifatida</b>	
	Akramov I.I .....	330
67	<b>Насимий ва фурқат ижодида табиат тасвири</b>	
	Амонова З.Қ .....	335
68	<b>Бахшининг бадиий маҳорати</b>	
	Тилавов А .....	339
69	<b>Инглиз ва ўзбек тилларида эвфемизмларнинг ўрганилиши ва лисоний хусусиятлари</b>	
	Рузиева Н.З .....	342
70	<b>Мумтоз жанрда макон ва вақт категорияси (Алишер Навоий шеърлари мисолида)</b>	
	Йўлчиев Қ.В .....	347
71	<b>Использование лингвистической терминологии при изучении сегментной фоностилистики имени существительного русского, Узбекского и Английского языков</b>	
	Гафуров Б.З .....	353
72	<b>Biznes turizm terminlarining qiyosiy lingvo-semantik tahlili</b>	
	Gavharoy Isroiljon qizi .....	357
73	<b>Абдулла Ориповнинг поэтик сўздан фойдаланиш маҳорати</b>	
	Хамдамов А.Н .....	365
74	<b>Синтаксик фигуralар таснифи</b>	
	Абдулпаттоев М.Т .....	371
75	<b>Sayyid Qosimiy asarlarida badiiy san'atlar</b>	
	Normurodov O.B .....	377
76	<b>Frazeologik birliklarning semantik-grammatik va uslubiy xususiyatlari</b>	
	Saidova N. A .....	380
77	<b>Специфика в изображении образа «кавказского пленника» в русской литературе</b>	
	Юлдашева О .....	386
78	<b>Сўз" ва "Термин" концептларининг лингвистик таърифлари ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари</b>	
	Хамдамов Р.М .....	390
79	<b>Ҳ.Худойбердиеванинг сўзларни кўчма маънода қўллаш маҳорати</b>	
	Юсупова Д.Ю .....	395
80	<b>Intonatsiya va pauzaning uslubiy xususiyatlari</b>	
	Yadgarova Z.T .....	403